

**Электрон энг яхши таклиф натижасига кўра**  
**Шартнома №26/08**

Оқдарё тумани  
(контракт тузилган жой)

« 29 » август 2022 й.  
(контракт тузилган сана)

Бундан буён “БҮЮРТМАЧИ” деб аталувчи Оқдарё туман 14-сон Болалар мусиқа ва саънат мактаби номидан низом асосида фаолият олиб борувчи Д.Юсупов бир томондан ва бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи "DIAMAND BUILDER" МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб борувчи У.Шукуров бошқа томондан, ушбу контрактни қуидагилар тұгрисида туздилар.

### 1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қиласы да түлайды, Етказиб берувчи эса қуидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Үлчов бирлиги	Миқдор и	Бирлик учун контракт нарихи	Контрактнинг умумий қиймати
1	Цемент	Тонна	8	897000	7176000
2	Гош	Куб.м	11	2450000	2695000
3	Пластик(потолок учун)	Дона	120	33050	3966000
Жами(ҚҚС билан)					<b>13837000</b>

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **13837000** (Үн уч миллион саққиз юз үттис етти минг)  
сүмни ташкил қиласы.

Шартнома суммаси ҚҚС билан тузилган

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур контрактни назначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичидаги қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30 % миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичидаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида түлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварагига келиб тушган вактдан бошлаб 10 банк иш куни ичидаги товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб берishi шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиши тұғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тесифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қўйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;
- етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2.Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нарҳда ва муддатда тўлаш.

3.3.Етказиб берувчи қўйидаги хукуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тulos ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равиша қабул қиласлик натижасида етказилган заарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4.Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишига йўқ қўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича 5- кун муддат ичидаги барча аниқланган камчиликларни беғараз бартарф этиш.

3.5.Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6.Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

#### **4.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

4.1.Буюртмачи:

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.2.Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равиша рад этганлик учун сотиб оловчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3.Тulos талабномаси акцептини асоссиз равиша бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тulos топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вактида тұламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига үтказиб юборилған ҳар бир күн учун кечиктирилған тұлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилған тұлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

#### 4.4. Етказиб берувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилған ҳужжатларнинг ишончлилиги;
- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётгандан товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилған шартларга мувофиқлиги;
- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;
- тузилған контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилған товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланған бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилған бўлса, тўланган суммани белгиланған тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилған, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) кечиктирилған ҳар бир күн учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниң умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилған зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.7. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб оловчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб оловчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита ҳўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар ҳўжалик судига мурожаат қилған тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги ҳўжалик судида кўриб чиқлади.

### 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралядаги 63-сонли “Енгиг бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилған шартларда томонлар ушбу контракт бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Узбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

### 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31”декабргача амал қиласди.
- 8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча узаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда контракт бажарилган ҳисобланади.
- 8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қilmайди.

**Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

<b>Пудратчи</b>	<b>Буюртмачи</b>
<p>Ташкилот номи: "DIAMAND BUILDER"  <b>МЧЖ</b>          Манзил: Оқдаре т.          Телефон:          Факс:          СТИР коди: <b>306325753</b>          ОКОНХ:          X/P; 20208000305054368001  <b>Банк номи: САМАРКАНД ЦИИ          "ТРАСТБАНК" УА БАНКИННИ          САМАРКАНД ФИЛИАЛИ</b>          МФО: 01097          Рахбар (директор): <b>У.Шукуров</b>          (имзо)  <b>АГЕНТ:</b></p>	<p>Ташкилот номи: <b>14-сон БМСМ</b>          Манзил: Оқдаре тумани А.Темур кучаси          Телефон:          Факс:          СТИР коди: 207244833          ОКОНХ: 93145          X/P; 400622860182037096600056002          Банк номи: <b>Марказий банк</b> ХКМ Тош.ш.бош          оғиси          МФО:00014          Рахбар (директор): <b>Д.Юсупов</b>          (имзо)</p>

Хукуқшунос R. Умаров  
 Лицензия (диплом) № берилган санаси:  
 «51» 000056 08.06.2009  
 Хукуқшунос A. Юсупов  
 Лицензия (диплом) № берилган санаси:  
 «МВ» 098129 10.06.11



**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat roʼyxatidan oʼtkazilganligi toʼgʼrisida  
GUVOHNOMA**

Ushbu bilen Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyeetriga

**“DIAMOND BUILDER” Masʼuliyati chekdangan jamiyat**

(Tadbirkorlik subyekti tashkilotining tashkilot-huquqiy shaxs koʼmali-jan holdagi soʼliq nomi)

**“DIAMOND BUILDER” MChJ**

(Tashkilotning qoʼsishligi boʻlgan nomi)

Tashkil etish (qayla tashkil etish, boshqa roʼyxatdan cʼtkazish maʼlumotlarini oʼzgartirish)

11.04.2019

710859

roʼyxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlansadi.

Shaxs, yoki surʼatli bilen, yil:

Soliq toʼlovlchining identifikasiya raqami (STIR):

306325753

Tashkilotning surʼati:  
shekh

Masʼuliyati chekdangan jamiyat

Joyleshtagan joyi:

Samarqand viloyeti, Samarqand shahri, Beruniy koʼchesi 45 a.uy,

Guvohnoma:

Samarqand viloyeti, Samarqand shahri, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomondan  
berilgan

(Guvohnoma chʼonligi organizʼingi surʼati nomi)





**Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat roʼyxatidan oʼtkazilganligi toʼgʼrisida  
GUVOHNOMA**

Ushbu bilen Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyeetriga

**“DIAMOND BUILDER” Masʼuliyati chekdangan jamiyat**

(Tadbirkorlik subyekti tashkilotining tashkilot-huquqiy shaxs koʼmali-jan holdagi soʼliq nomi)

**“DIAMOND BUILDER” MChJ**

(Tashkilotning qoʼsishligi boʻlgan nomi)

Tashkil etish (qayla tashkil etish, boshqa roʼyxatdan cʼtkazish maʼlumotlarini oʼzgartirish)

11.04.2019

710859

roʼyxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlansadi.

Shaxs, yoki surʼatli bilen, yil:

Soliq toʼlovlchining identifikasiya raqami (STIR):

306325753

Tashkilotning surʼati:  
shekh

Masʼuliyati chekdangan jamiyat

Joyleshtagan joyi:

Samarqand viloyeti, Samarqand shahri, Beruniy koʼchesi 45 a.uy,

Guvohnoma:

Samarqand viloyeti, Samarqand shahri, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomondan  
berilgan

(Guvohnoma chʼonligi organizʼingi surʼati nomi)

